


ТАРИХИЙ ХОТИРА – ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ ВА МИЛЛИЙ-МАЪНАВИЙ ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ



**республика илмий-назарий анжумани
материаллари**



*Тарихий хотира – ўзликни англаш ва миллий-
маънавий тараққиёт омили*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ
ИНСТИТУТИ**

**«ИЖТИМОЙ ФАНЛАР»
кафедраси**

**«ТАРИХИЙ ХОТИРА –
ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ ВА
МИЛЛИЙ-МАЪНАВИЙ
ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ»**

**мавзусидаги республика илмий-назарий
анжумани материаллари**

XV

Бухоро – 2022

БУХОРО УЛАМОЛАРИ ВА УЛАРНИНГ АМИР ТЕМУР СИЁСИЙ ФАОЛИЯТИГА ТАЪСИРИ ХУСУСИДА...	
<i>Орзиев М.З., Мажидов С.</i>	149
«YANGI O'ZBEKISTONNING 2022-2026 YILLARGA MO'LLALLANGAN TARAQQIYOT STRATEGIYASI».	
<i>Rajabov A.Sh., Murtazoev Sh.E.</i>	153
БУХОРО МАЪРИФАТПАРВАРЛАРИ ИЛМИЙ МЕРОСИДА ЁШЛАРДА ТОЛЕРАНТЛИКНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ЎРНИ.	
<i>Салохов А., Қамариддинова Г.А.</i>	154
BOY TARIXIY MEROSIMIZ – YOSHLARDA O'QUV MOTIVLARINI SHAKLLANTIRISHNING OMILI. <i>Azimova K.</i>	158
AMIR TEMUR – ILM VA FAN HOMIYSI. <i>Raxmonova N.</i>	160
МАНАЛЛИЙ ХОМ-АШҲО ГИЛАМ ТО'ҚИШ ҚУРИЛМАСИНИНГ ТАРИХИ.	
<i>Azimova G.A., Raximov Sh., Mo'minov M., Bozorov B.</i>	162
ФИЛОСОФСКИЕ ВЗГЛЯДЫ ЗАКАРИЯ АР-РАЗИ. <i>Каюмова Л.Ш.</i>	165
OILA-NIKOH MUNOSABATLARINING TARIXIY ILDIZLARI: QIYOSIY TAHLIL. <i>Rahmonov A.</i>	168
МАЪРИФАТПАРВАР ОЛИМ АҲМАД ДОНИШ ИЛМИЙ МЕЪРОСИ. <i>Жураев У., Каримов Б.Х.</i>	170
XALQ MAROSIMLARINING MILLIY MA'NAVIYATIMIZDA TUTGAN O'RNINI. <i>Qamariddinova G.</i>	173
XORAZMSHOHLAR SULOLASI ASOSCHISI: ANUSHTAGIN GARCHOYI. <i>Boltayev B., Rasulov O.</i>	175
ГИЛАМ ТЎҚИШДА ЖУН ТОЛАСИНИНГ АҲАМИЯТИ ВА УНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ ТАРИХИ. <i>Азимова Г.А.</i>	179
БУЮК МАТЕМАТИК ОЛИМ. <i>Тогаева С.Р.</i>	182
BIOSFARA TA'LIMOTI XUSISUDA. <i>Qilicheva Yu.S.</i>	184
ТО'ҚИМАШЛИК СANOATINI MALAKALI MUTAХASISLAR BILAN TA'MINLASH. <i>Utayeva F.X.</i>	186
ЎРТА ОСИЁЛИК ОЛИМЛАРНИНГ ТАРИХИЙ ҚЎЛЁЗМАЛАРИДА ГЕОМЕТРИК ЯСАШЛАР ЭЛЕМЕНТЛАРИ.	
<i>Мирханова М.А., Рахмонов А.А.</i>	188
TACABBUФ ТАРИҚАТИ. <i>Саидова Х.Х., Улугова Н.О.</i>	191
ALI QUSHCHI HAYOTIDAN LAVHALAR. <i>Shoyimova G.S.</i>	193
AMIR TEMUR TARIXINI O'QITISHDA YANGI PEDAGOGIK YONDASHUVLAR. <i>Хо'jamurodova M.L., Tog'ayeva D.</i>	194

ADAM SMIT TA`LIMOTIDA MEHNAT TAQSIMOTI MASALASI.	
<i>Sharipova M.N.</i>	197
АБУ НАСР ФОРОБИЙНИНГ СИЁСИЙ-ИЖТИМОИЙ ҒОЯЛАРИ.	
<i>Ражабова З.</i>	199
ҲУСАЙН ВОИЗ КОШИФИЙНИНГ АХЛОҚИЙ ҚАРАШЛАРИ.	
<i>Тўхтаева М.Ж.</i>	202
НАУЧНОЕ НАСЛЕДИЯ АВИЦЕННЫ. <i>Каюмова Л.Ш.</i>	204
БУЮК АЖДОДЛАРИМИЗ ШАХС МАЪНАВИЯТИ ХУСУСИДА.	
<i>Очилов И.Қ.</i>	206
ТАЪЛИМДА КОМПЕТЕНЦИЯЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШГА	
ЙЎНАЛТИРИЛГАН ТЕХНОЛОГИЯЛАР. <i>Содиқова Ф.</i>	208
КАЙКОВУСНИНГ АХЛОҚИЙ ҒОЯЛАРИ. <i>Очилов И.Қ.</i>	210
ПЕДАГОГИК КОМПЕТЕНЦИЯЛАРНИ	
ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ.	
<i>Содиқова Ф.</i>	212
ОБ ИСТОРИИ АНГЛИЙСКОЙ ФИЛОЛОГИИ.	
<i>Хамраева З.Х.</i>	214
XIVA XONLIGIDA DAVLAT BOSHQARUV TIZIMI.	
<i>Choriyeva N.</i>	215
MAMLAKATIMIZDA ZIYORAT TURIZMINING RIVOJI.	
<i>Shoyimova G.</i>	217
ТВОРЧЕСКОЕ НАСЛЕДИЕ УИЛЬЯМА ШЕКСПИРА.	
<i>Хамраева З.Х.</i>	219

**Мақолаларда келтирилган ихтибослар (цитаталар) ва мақолалар
мазмунини учун жавобгарлик муаллифлар зиммасида.**

Компьютерда саҳифаловчи:

Ma`naviyatning betimsol imkoniyatlari tufayli inson aqlzakovati, vujudi, ruhi, salohiyati, oljanob fazilatlarda barqarorlashadi. Inson tabiatida ezgulik, ruhiyatida ulug`vorlik, munosib olamida nazokat va samimiylikka e`tiqod, yomonlikdan forig`likni ravnaq toptiradi. Garchi ezguligu yovuzlikning, yaxshiligu yomonlikning, go`zalligu xunuklikning millati bo`lmasada har bir xalq, millatning milliy ma`naviyati bo`ladi. Buning tagzamini har kimning qalbi, ruhi, tuyg`usini o`z xalqining, o`z vatanining ma`lum sifatleri mavjud bo`lganligidadir. O`zbekona fazilat, o`zbekona juvonmardlik, o`zbekona mehmonnavozlik, o`zbekona bag`ri kenglik singari tushunchalar bejiz aytilmagan. Ana shunday o`nlab fazilatlar har bir shaxsda millatga, xalqqa tegishli butunlikning zarrasi, belgisi mavjud bo`ladi. O`z xalqi, o`z Vatani qadrini anglagan, unga mansubligini tan olgan insonda milliy shuur, milliy tuyg`u, milliy odob va milliy qiyofa bo`lishini fahmlaymiz. Ayni paytda vujudida xalqi, millati va vatan qadrini yetarli anglab olmagan kimsalar mavjudligini ham inkor etish qiyin. O`z xalqi, millati, yurtini qadrlay bilmagan, undan yuz o`girganlar o`z vijdoniyu iymonidan ham yuz o`giradilar. Bundaylarni aslo oqlab bo`lmaydi.

БУХОРО УЛАМОЛАРИ ВА УЛАРНИНГ АМИР ТЕМУР СИЁСИЙ ФАОЛИЯТИГА ТАЪСИРИ ХУСУСИДА...

**Орзиев М.З. – БухДУ Жаҳон тарихи кафедраси,
Мажидов С. – БухДУ II босқич магистранти**

Араблар истилоси ва Ўрта Осиё минтақасида истиқомат қилувчи аҳолининг Ислом динига кириш жараёнида Бухоро шаҳри ва унда етишиб чиққан диний уламоларнинг хизмати беқиёс бўлиб, X асрдаёқ мамлакатларида Қуббатул Ислом мақомига эришганди. Диний уламоларнинг давлат ва жамият ҳаётига таъсири катта бўлиб, ушбу масалани ўзи бир алоҳида комплекс тадқиқот бўлиб ҳисобланади. XIV аср бошларида Мовароуннаҳрда ўзаро ички курашлар кескин тус олиб, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёт издан чиқди. Натижада, жамиятда маънавий-ахлоқий масалалар ва бу мавзулардаги саволларга жавоб излашни ҳаётнинг ўзи кун тартибига қўйди. Мўғуллур ҳукмронлиги давридаги талон-тароҷ ва халқнинг ночор аҳволи диний уламоларнинг назаридан ҳам четда қолмади. Уларнинг диний-ижтимоий таълимотлари айнан шу йўналишга қаратилганди деб хулоса қилиш мумкин. Бу ҳол айниқса Бухорода мўғуллар истилоси даврида шакллланган ва Амир Темур даврида ниҳоясига етказилган нақшбандия тариқатида яққол намоён бўлди.

Бухорода диний уламоларнинг ҳукумрон мавқеи деярли барча замонларда сақланиб қолинганди. Бу мўғуллар даврида ҳам қисман бўлсада

сақланиб қолинди. Мўғуллар даврида Бухорода садрлар ҳукумрон табақа вакиллари ташкил этган бўлиб, В.В. Бартольд маълумотларида, Бухорода садрларнинг бурхонийлар уруғи ҳукумронлик қилганлигига оид маълумотлар келтириб ўтилганлигини кўриш мумкин¹. Ушбу рухонийлар кейинчалик Амир Темур даврида ҳам, унинг ҳокимият тепасига келишида муҳим аҳамият касб этган².

Мўғуллар ҳукумронлиги даврида Бухорода диний қарашларда янги оқим сўфийлик янги босқичга кўтарилди. Нақшбандийлик оқими мўғуллар ҳукумронлиги даврида ўзининг вужудга келиш ва шаклланиш жараёнларини бошдан кечирди. Шунингдек, Амир Темур ва дастлабки темурийлар даврида Ўрта Осиёда сўфийлик оқимлари ўзининг навбатдаги эволюцион босқичига кирди ва юксак чўққига чикди. Сўфийлик орденларининг сиёсийлашуви содир бўла бошлади³. Нақшбандийлик ғояларини шаклланиш жараёнининг сўнгги босқичида яшаган Баҳоуддин Нақшбандий мўғуллар ҳукумронлигининг сўнгги даври ва Амир Темур ҳукумронлиги даврида яшади. Аммо, дастлаб нақшбандийлик сиёсий жараёнларга аралашмаган деган фикр-мулоҳазалар мавжуд.

Баҳоуддин Нақшбанднинг Ясовур ўғли Халилни Чигатой улуси тахтига ўтказгани ҳақидаги маълумотлар фақат ибн Батута маълумотларида келтириб ўтилишини В.В. Бартольд қайд этиб ўтади. Шу билан бир қаторда уни Ҳирот ҳукумдори қўллаб-қувватлагани, кейинчалик Бухорода ҳукумрон бўлгач, Ҳирот ҳукумдори берган ёрдамни унитгани ва мағлуб бўлганлигига оид маълумот мавжуд⁴. Шунингдек, Ибн Батутанинг Ўрта Осиёга саёҳатларига оид ёзувларида; Халилни Термиз Худовандзодаларидан Аъло ал-Мулкнинг қўллаб-қувватлагани, унинг ёрдамида Олмаликда жангда ғалаба қозонгандан сўнг Бухорога йўл олганлиги келтириб ўтилади⁵. Юқоридаги маълумотлардан хулоса қилиш мумкинки, мўғуллар ҳукумронлигининг сўнгги давридаёқ Бухоро уламолари сиёсий ҳаётга фаол аралаша бошлаганлар. Аммо, нақшбандийлик оқимининг сиёсий ҳаётга аралашуви хусусида тарихий адабиётларда бир-бирини рад этувчи фикр-мулоҳазалар мавжуд бўлиб, В.М.Нирша нақшбандийликни нисбатан кечроқ сиёсий ҳаётга аралаша бошлаганлигига оид фикрларни келтириб ўтади. Унинг маълумотларида,

¹ Бартольд В.В. Сочинения. Том I. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. – М.: Издательство Восточной литературы, 1963. – 759 с.

² Тамерлан-Покоритель Азии. – М.: Ломоносов, 2014. – 224 с.

³ Немцева Н.Б. Ханака Сайф-ад-дина Бохарзи в Бухаре (К истории архитектурного комплекса) – Бухара: 2003. – 214 с.

⁴ Бартольд В.В. Сочинения. Том V. Работы по истории и филологии тюркских и монгольских народов. – М.: Наука, 1968. – 757 с.

⁵ Иброҳимов Н. Ибн Батута ва унинг Ўрта Осиёга саёҳати. – Т.: Шарқ баёзи, 1993. – 102 б.

Амир Темур ворислари даврига келиб нақшбандийлик сиёсий рол ўйнай бошлади¹. Бухородаги рухонийлар Амир Темур даврида сиёсий ҳаётда фаол иштирок этмаганлар деган фикр-мулоҳазалар у қадар ҳақиқатга тўғри келмайди деб хулоса қилиш учун барча асослар мавжуд. Чунки, Амир Темурнинг онаси бухоролик машҳур фақиҳ Убайдулла ибн Маъсуднинг қизи бўлиб, у Тоғруқшария тахаллусига эга бўлган². Бу эса, Бухоро рухонийлари орасида Амир Темурни қўллаб-қувватловчиларнинг етарлича топилишини таъминлаган деб хулоса қилишга асос бўла олади. Амир Темурни дарвиш, қаландарлар қўллаб-қувватлашини унинг ҳарбий, разведкадаги муваффақиятлари сабаби сифатида кўрсатилади. Бу хусусда маълумот келтирган В.Черванский унинг хузурига Тошкент, Самарқанд, Бухородан дарвиш ва қаландарларнинг оқиб келиши ва турли маълумотларни етказишлари хусусида тўхталиб ўтади.

Кейинги давр манбаларида ҳам Амир Темурни ҳокимият тепасига келишида Баҳоуддин Нақшбанднинг хизматлари эътироф этилади. Жумладан, «Темурнома» асари муаллифи Салоҳиддин Тошкандий Амир Темурни тарбия қилган тўрт пирни санаб ўтади ва улардан бири сифатида бухоролик Баҳоуддин Нақшбандни санаб ўтади³. Бу маълумотларнинг аксарияти афсона шаклда бўлсада, Амир Темурнинг ҳокимият тепасига келишида Бухоро рухонийларининг уни қўллаб-қувватлаганлигига ишора бўлиб хизмат қилади. В.Черванский, Темур тузукларини асос қилиб келтириб, Бухоронинг Сухор қишлоғидан бўлган Шайх Кулол унинг пири бўлганлигини ва ушбу пир ҳокимият учун кураш йилларида Амир Темурга зафар тилаб оқ фотиҳа берганлигига оид фикрлар тузукларда келтирилганлигини қайд этиб ўтади⁴.

М.Иванин Амир Темур ва Чингизхон жанг санъатини ўрганиб, таҳлил қилади. Ўз маълумотлари асосида ёзган асарида, Амир Темур Илёсхўжадан аразлаб унинг хизматидан кетганда Бухорога келади ва бу ерда пири шайх Кулол маслаҳати билан беҳавотирроқ Хоразм чўлларида кетишни маъқул топади⁵.

Амир Темур ва темурийлар даврига оид манбаларда Амир Темурнинг Баҳоуддин Нақшбанд билан муносабатлари хусусида аниқ маълумотлар сақланиб қолмаган. Амир Темур ва Баҳоуддин Нақшбанднинг ўша давр манбаларида учрашгани ва ўзаро мулоқотида оид аниқ фактлар сақланиб

¹ Нирша В.М. Источниковедение Шихабуддин Сухраварди и его трактат “Дары и познаний”.//Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 12-сон, 1987. – 49-52.

² Муқимов З. Амир Темур тузуклари (Тарихий-ҳуқуқий тадқиқот). Иккинчи тўлдирилган нашри. – Самарқанд: СамДУ, 2008. – 131 б.

³ Тошкандий Салоҳиддин. Темурнома. – Т.: Чўлпон, 1990. – 195 б.

⁴ Черванский В. Амир Темур. Болалиги. Жанговар йўли. Вафоти. – Т.: Ёзувчи, 1993. – 224 б.

⁵ Иванин М. Икки буюк саркарда: Чингизхон ва Амир Темур. – Т.: Фан, 1994. – 238 б.

қолинмаган бўлсада, Амир Темурнинг онаси бухоролик бўлганлиги, ва онаси томондан Бухоро руҳонийлари билан яқин алоқада бўлганлиги, Баҳоуддин Нақшбанд асос солган тариқатнинг Бухорода кенг тарқала борганлиги сабабли, бу икки буюк даҳонинг учрашмаслиги мумкин эмасди деб хулоса қилиш мумкин. Бизнинг фикримизча, нақшбандийлик Амир Темур даврида ривожланиш босқичига кирган бўлсада, ҳали сиёсий ҳаётда фаол иштирок этмаган ва шу сабабли Амир Темур даврига оид манбаларда бу хусусдаги фикр-мулоҳазалар етарлича ёритилмаган. Бухоролик тарихчи олим Ф.Ҳ.Қосимов келтирган маълумотларида, Амир Темур ёшлигиданок Бухорога тез-тез келиб турган. Шунингдек, Соҳибқирон Тахтга ўтиргандан сўнг ҳам Бухорога келишни тўхтатмаган. Бундан ташқари ҳар гал ҳарбий юришлардан мувоффақият билан қайтгандан сўнг Амир Темур Бухорога келиб, бу ердаги авлиё ва уламоларнинг қабрини зиёрат қилишига оид фикр-мулоҳазаларни келтириб ўтади¹. Агар ҳар галги урушлардан сўнг Бухорога келар экан Амир Темур Бухорода бу даврнинг энг йирик уламеси бўлган Баҳоуддин Нақшбанд билан учрашмаслиги мумкин эмасди деб ҳисоблашга барча асосларимиз мавжуд. Гарчи, тарихий манба ва адабиётларда Амир Темур ва Баҳоуддин Нақшбанд ўртасидаги ўзаро муносабатлар мавҳумлигича қолган бўлсада, Амир Темурнинг Баҳоуддин Нақшбанд борасидаги фикри ижобий бўлганлигига оид фикр-мулоҳазаларни кўплаб олимлар келтириб ўтади. Жумладан, И.Шаҳроний юқоридаги маълумотларни келтириб ўтиб, бунинг асосий сабаби сифатида Амир Темурнинг тасаввуф тариқати вакилларига яхши муносабатда бўлганлигини асос сифатида кўрсатади².

Хулоса қилиб айтганда, Амир Темурнинг ҳокимият тепасига келишида Бухоро руҳонийларининг ҳам хизматлари бўлиб, улар мамлакатда тинчлик ўрнатиш, кенг халқ оммасини тинчлантириш, аҳолининг фаровонлигини таъминлашга қодир бўлган сиёсий кучни мамлакат тахтида кўришни истагандилар. Бу сиёсий куч Амир Темур бўлиб, дин пешволари умидлари оқланганлигига тарихининг ўзи гувоҳдир.

¹ Қосимов Ф.Ҳ. Темурийлар даврида Бухоро. – Бухоро, “Бухоро” нашриёти, 1996. – 91 б.

² Шаҳроний И. Хожалар тариқати/Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 5-сон, 2003. – Б. 54-56.

«YANGI O`ZBEKISTONNING 2022-2026 YILLARGA MO`LJALLANGAN TARAQQIYOT STRATEGIYASI».

***Rajabov A.Sh. – Bux DU Pedagogika instituti tarix fani o`qituvchisi,
Murtazoev Sh.E. – Bux DU Pedagogika instituti tarix ta`lim yo`nalishi talabasi,
1-bosqich talabasi.***

Yaqin kelajakda Yangi O`zbekistonni jahon maydonida kuchli salohiyat, munosib obro`-e`tiborga ega bo`lgan, har tomonlama obod va farovon, tinch va osoyishta mamlakatga aylantirishni maqsad qilgan mazkur tarixiy hujjatlar loyihalari bo`yicha fikr bildirish ertangi kuniga befarq bo`lmagan barchamiz uchun sharaflidir. Shuning uchun ham qalb amri bilan ushbu hujjatlarni diqqat va hayajon bilan o`qib, Harakatlar strategiyasi bilan solishtirib, tahlil qilib, o`z oldingga quyidagi savolni qo`ydim hamda Prezidentimiz Shavkat Mirziyoevning asar va nutqlariga tayanib, imkon qadar javob berishga harakat qildim. **Birinchidan**, Taraqqiyot strategiyasi loyihasi xalqimizning yuksak ishonch va e`tirofiga sazovor bo`lgan O`zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoevni saylovoldi dasturi, ya`ni «Yangi O`zbekiston strategiyasi» asari hamda Prezident lavozimiga kirishish tantanali marosimiga bag`ishlangan Oliy Majlis palatalari qo`shma majlisidagi nutqida bayon qilingan maqsad va vazifalar asosida ishlab chiqilgan. **Ikkinchidan**, Taraqqiyot strategiyasida yurtimizda yashayotgan har bir fuqaroning huquq va erkinliklari, qonuniy manfaatlari eng oliy qadriyat etib belgilanmoqda va u milliy rivojlanishimizning yangi bosqichini boshlab beradi. **Uchinchidan**, Taraqqiyot strategiyasi «**inson – jamiyat – davlat**» degan yangi tamoyil asosida ishlab chiqilgan. Yangi O`zbekiston taraqqiyot strategiyasi etti yo`nalishdan iborat etib belgilandi. Bu – bejiz emas. Zero, ajdodlarimiz etti raqamini baxt-saodat va omad keltiradigan, ezgu niyatni ro`yobga chiqaradigan xosiyatli timsol, deb bilganlar. **To`rtinchidan**, Taraqqiyot strategiyasini har bir ustuvor yo`nalishi nomlanishidan boshlab, mazmun-mohiyatigacha **Inson qadrini ulug`lashga** yo`naltirilgan. **Beshininchidan**, umumbashariy muammolarga milliy manfaatlardan kelib chiqqan holda echim topish; **Oltinchidan**, mamlakatimiz xavfsizligi va mudofaa salohiyatini kuchaytirish, ochiq va pragmatik, faol tashqi siyosat olib borish. Prezidentimiz ta`kidlaganidek, – «inson qadri biz uchun qandaydir mavhum, balandparvoz tushuncha emas. Inson qadri deganda, biz, avvalo, har bir fuqaroning tinch va xavfsiz hayot kechirishini, uning fundamental huquq va erkinliklarini ta`minlashni nazarda tutamiz. Inson qadri deganda, biz har bir fuqaro uchun munosib turmush sharoiti va zamonaviy infratuzilma tashkil etishni, malakali tibbiy xizmat ko`rsatish, sifatli ta`lim, ijtimoiy himoya tizimi, sog`lom ekologik muhit yaratib berishni tushunamiz». **Birinchi**, inson qadrini yuksaltirish va erkin fuqarolik jamiyatini yanada rivojlantirish orqali xalqparvar